

II-International Conference of Students and Young Scientists

Str. Mutans, Laktobakteriya 90% bemorda. Staf. Aureus 80% bemorda. Enterobakteriya, Aktinomitset va Saprofit spiroxetalar 70% bemorda. Ushbu bakteriyalarning sof kulturasi ajratib olingandan so'ng ularning antibiotiklarga nisbatan sezgirligi aniqlandi. Bemorlardan olingan namunalardan olingan sof kulturalarning quyidagi antibiotiklarga nisbatan sezgirligini aniqladik. Sefoksitin, levofloksatsin, klindomitsin, glutamitsinga nisbatan yuqori sezgirlik nomayon bo'ldi, sefepim-sulbaktam, fosfotsineo natriy, amikatsin va doksisisiklinga nisbatan o'rtacha sezgirlik, linkomitsin va gatifloksatsinga nisbatan past darajada sezgirlik nomayon bo'ldi. Bemorlarda aniqlanga Staf.aureus ga nisbatan quidagi antibiotiklarga sezgirligi aniqlandi. levoflaksatsin, sefoksitin, klindomitsin ga yuqori darajada sezuvchan, glutamitsin, amikatsin, sefepim-sulbaktam, doksisisiklin o'rtacha va past darajada sezuvchan. Bemor olingan namunalarda lizatsim aktivligini amalga oshirdik. Unga ko'ra 25% (9 nafar bemorda) kam darajada (3 mm) sezgirlik nomayon bo'ldi.

Xulosa: Og'iz bo'shlig'ida saraton ko'p hollarda zararli odatlar tamaki chakish, spirtli ichimliklar iste'mol qilish kabi holatlar natijasida kelib chiqdi. Yuqoridagi fikrlarni inobatga olgan holda og'iz bo'shlig'i onkologik kasalliklarida normal mikroflora ko'p holatlarda o'zgarmaydi. Aniqlangan Staf.aureus Levoflaksatsin 18%, Sefoksitin 15%, Klindomitsin 14% larga juda sezuvchan bo'ldi. Ularning o'zgarishiga qabul qilingan kuchli antibiotiklar, nur terapiyalari va boshqa omillar ta'sir qiladi. Shu sababli og'iz bo'shlig'i onkologik kasallilarida kam hollarda og'iz bo'shlig'ida patogen bakteriyalar aniqlandi. Staf. aureus 80%. Shuningdek yuqoridagi omillar bemorlarda immunitet tushib ketishiga sabab bo'lmoqda.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОШКЕНТ ШАХРИДА МЕХНАТ МИГРАНТЛАРИ ОРАСИДА ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Илхомжонов Бехзод Баходир ўғли Тошкент тиббиёт академияси 2 босқич талабаси

Илмий раҳбарлар: Мусабекова М.Ш., Неъматова Н.Ў Тошкент тиббиёт академияси, эпидемиология кафедраси, Республика ОИТСга қарши кураш маркази

ОИВ-инфекциясининг пандемияси инсоният тарихида XX аср охиридаги инсониятнинг энг йирик фожеасидир. ЮНЭЙДС маълумотиға кўра охириги йилларда дунё бўйича меҳнат мигрантларининг сони 86 млн ни,

II-International Conference of Students and Young Scientists

шундан Россия Федерацияси, АҚШ ва Германия давлатларида энг кўп меҳнат мигрантлари қайд этилганлиги аниқланган. Россия Федерациясида 2014 йилда чет эллик фуқаролар сони 10,2 млн га етган бўлиб, шундан Ўзбекистонликлар 23%, Украиналиклар 13,3%, Тожикистон фуқаролари 10% ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг мақсади. Меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекциясининг меҳнат мигрантлари орасида эпидемиологик таҳлилини ўтказиш ва мавжуд эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри ОИТС инфекциясига қарши кураш марказининг 2022-2023 йиллардаги расмий маълумотлари эпидемиологик таҳлил қилинди. Ушбу тадқиқотни бажаришда эпидемиологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари.

Меҳнат мигрантларини чет давлатларга чиқиши бўйича таҳлил ўтказилганда 80% Россия Федерациясига, 16% Қозоғистон Республикасига ва 4% Тошкент шаҳрига ички миграцияда бўлганлиги кузатилди.

ОИВ-инфекцияли меҳнат мигрантларининг миграция пайтидаги иш фаолияти бўйича ўтказилган таҳлил натижалари 25,3% ёлланма ишчилар (мардикорлар), 23,2% қурувчилар, 20,7 % ишчилар, 6% сотувчилар ташкил этганлигини кўрсатди.

2022-йилда жами мигрантлар сони 3238 нафарни ташкил қилган. Мигрантларни 3238 нафари ОИВ инфекциясига текширилиб, 12 нафарида (0,4%) ИБ тасдиқланган. 2023 йилда жами мигрантлар сони 31648 нафарни ташкил қилди. Улардан 2764 нафари ОИВ инфекциясига текширилиб, 16 нафарида (0,5%) ИБ тасдиқланди.

2023-йилда жами мигрантлар сони 30700 нафарни ташкил қилди. Мигрант сифатида кирганлар 29338 нафар (95,5%), чиққанлар 1362 нафарни (4,5%) ташкил қилди. Мигрантларни 2761 нафари (9,0%) ОИВ инфекциясига текширилиб, 16 нафари 106-код (0,6%) ИБ тасдиқланди. Бошқа кодлар билан топширилган 12 нафар фуқаролар миграцияга чиққанлиги аниқланди. Жинси бўйича таҳлиliga кўра 15 нафар (93,7%) эркакларда ва 1 нафар (6,3%) аёлларда ИБ тасдиқланган.

Ёш бўйича таҳлилда 20-24 ёшдагилар 3 нафар (18,7%), 25-29 ёшдагилар 3 нафар (18,7%), 30-34 ёшдагилар 1 нафар (6,2%), 40-49 ёшдагилар орасида 4 нафар (25,0%) 50-59 ёшдагилар орасида 5 нафарида (31,2%) касаллик аниқланди.

II-International Conference of Students and Young Scientists

Меҳнат фаолиятига кўра 2 нафари (7,1%) сотувчи, 1 нафари қурувчи (7,1%), 6 нафари ишчи (28,5%), 1 нафари талаба (14,2%), 1 нафари хизматчи (14,2%), 1 нафари хайдовчи, 5 нафари (31,2%) ишламайди.

Миграцияда бўлган 16 нафар фуқаролардан 13 нафари Россия (86,6%), 1 нафари (6,6%) Қозоғистон, 1 нафари (6,6%) Туркия Давлатига чиқиб кирган.

Юқши йўли бўйича 14 нафарида (92,8%) жинсий, 1 нафарида (7,1%) парентерал тиббий муолажа орқали, 1 нафарида нотиббий муолажа орқали юққанлиги тахмин қилинган.

Мамлакатда меҳнат муносабатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тизими Ўзбекистон Республикасининг меҳнат соҳасидаги қонунларига, Олий Мажлис қарорларига, Президент фармонларига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига ва Жўқорғи Кенгес қарорларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижро этувчи органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорларига асосланади.

Шунингдек, махсус “Хорижга чиқаётган ва республикага қирувчи Ўзбекистон фуқаролари ўртасида ОИВ инфекциясини аниқлаш ва олдини олиш тартиби” жорий этилди. Мазкур ҳужжатларга кўра, Республикадан чиқиб кетаётган (ёки мамлакатга қираётган) барча шахслар ОИВ инфекциясини аниқлаш бўйича тестдан ўтиши шарт. 2011-йилдан бошлаб ушбу гуруҳ ҳам аҳолининг бошқа заиф қатламлари қатори тадқиқот ўтказиш учун кузатув остидаги назорати тизимига киритилган.

Шундай қилиб, ОИВ-инфекцияси тарқалишида аҳолининг миграцияси муҳим омиллардан бири эканлиги аниқланди. Республика мигрантлари ОИВ инфекцияси кенг тарқалган мамлакатларига борадилар. Шу билан бирга, улар тез-тез ўз оилаларидан алоҳида кетадилар, бу эса уларни заиф гуруҳларга қирадиган бегона шахсларга мурожаат қилишларига сабаб бўлади, бундай гуруҳларда ОИВ тарқалиши ва ҳимояланмаган алоқалар туфайли инфекция юқтириш хавфи юқори.